

UDK 37.02

**JOINT WORK OF SCHOOL, FAMILY AND SELF-GOVERNMENT
BODIES (MAHALLI) IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATION
SYSTEM**

senior teacher Abdurashid Olimov

Namangan Civil Engineering Institute

Master's student Rano Hoshimova

Namangan State University

Republic of Uzbekistan, Namangan city

***Brief abstract:** In our country, working all sectors together to protect young students from different moral threats is the main task. This article represented development of spiritual life of young students in partnership with schools, families and mahalla.*

***Keywords:** ideology, spirituality, threat, education, good breeding, society, family, school, student, parents, teacher, thinking skills.*

**СОВМЕСТНАЯ РАБОТА ШКОЛЫ, СЕМЬИ И ОРГАНОВ
САМОУПРАВЛЕНИЯ (МАХАЛЛИ) В РАЗВИТИИ СИСТЕМЫ
ОБРАЗОВАНИЯ**

старший преподаватель Олимов Абдурашид

Наманганский инженерно-строительный институт

магистрантка Хошимова Раъно

Наманганский государственный университет

Республика Узбекистан, город Наманган

***Аннотация:** В нашей стране, в защите молодых учеников от разных духовных угроз сотрудничество представителей всех секторов является главной задачей. В этой статье изложены задачи развития духовного мира учеников в сотрудничестве школ, семей и махаллей.*

Ключевые слова и понятия: идеология, духовность, угроза, образование, воспитание, махалля, семья, школа, учащийся, родители, учитель, самостоятельное мышление

ТАЪЛИМ ТИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАКТАБ, ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ

катта ўқитувчи Олимов Абдурашид

Наманган мухандислик-қурилиш институти

магистратура талабаси Хошимова Раъно

Наманган давлат университети

Ўзбекистон Республикаси, Наманган шаҳри

Аннотация: Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда барча соҳа вакиллари ҳамжиҳатликда иш олиб бориши долзарб масаладир. Ушбу мақолада мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги орқали ўқувчилар маънавий оламини ривожлантириш масаласи баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: мафкура, маънавият, таҳдид, таълим, тарбия, маҳалла, оила, мактаб, ўқувчи, ота-она, ўқитувчи, мустақил фикр, бунёдкор зоя.

Ҳар томонлама баркамол, комил инсонни тарбиялаш жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда рўй бераётган муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ёшлар онгига таъсир қилмасдан қолмайди.

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш иши биринчи навбатда оиладан бошланади. Бу борада баркамол авлодни тарбиялашда ота-она, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга диний ва миллий бағрикенглик, юксак маънавият эгаси ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-қимматни эъзозлайдиган

қилиб тарбиялашда уч асосий омил – оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгадир.

Глобал ахборот алмашув даври шиддат билан ривожланаётган бир даврда ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болаликдан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Бугунги кунда ўқувчи маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламида глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Ҳар бир ота-она ўз фарзанди камолини кўриш учун уни вояга етказди, албатта, бу жараён ўз-ўзидан амалга ошмайди. Халқимизда бир нақл бор: «Нима эксанг, шуни ўрасан», шу нақлни бошқа талқинда айтиб кўрайлик: «Нима ўришни хоҳласанг, шуни эк». Ота-она фарзандларига мол-мулк, уй-жой, автомобиль ва бошқа қимматбаҳо моддий бойликларни бериши мумкин, лекин тарбия, бахтни топиб бера оладими? Бунга ўзларининг қандай тарбия кўрганлик даражаси билан эришилади. «Ота ўғлини етаклаб кетаётиб, ўғлим қадамнингни ўйлаб бос деб айтса, ўғли шундай жавоб берибди: ота сиз қандай қадам боссангиз мен шундай юраман, чунки мен сизга эргашаяпман». Педагогик адабиётларда педагогиканинг луғавий маъноси «бола етакламоқ» деб айтилади. Бизлар барибир болаларни етаклаб юрамиз, демак биз қандай қадам боссак, фарзандлармиз ҳам шу йўлдан юради. Бу тарбиянинг ибрат-намуна усулига мисол бўла олади. Таълим-тарбия масаласи ҳар доим кун тартибидаги масалалардан бири бўлиб келган ва шундай вазифа бўлиб қолади. Чунки янги авлодлар туғилади, ҳаётда камол топиш учун таълим-тарбияга эҳтиёж сезади. Бу фикрларнинг муҳимлигини яна бир бор Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг фикрлари билан уйғунлаштириш муҳимдир: «Ҳар қайси миллатнинг ўзига

хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир»[1]

Мақсадимиз – иймон-эътиқоди бутун, иро даси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат бўлиб, бу вазифаларни амалга оширишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг «4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар» бандида «Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар.

Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар тизимини мунтазам амалга оширишда ҳар бир муассасанинг вазифалари мавжуд. Бу борада «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қуйидаги функцияларни амалга оширади. Таълим муассасаларининг ота-оналар, оилалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар билан ижодий фаол, Ўзбекистон мустақиллиги ғояларига садоқатли ва жамият тараққиётига аниқ улуш қўшишга лаёқатли шахсни камол топтириш бўйича ўзаро яқин ҳамкорлигини амалга оширади. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий

тарбиялаш, ўз Ватани ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш бўйича мактабларнинг ота-оналар, оилалар, маҳалла кўмиталари, Республика Маънавий тарғибот маркази бўлинмалари, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилади[2]. Болаларнинг маънавий баркамол ва жисмоний соғлом бўлишларида оиланинг вазифалари:

- оилада соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда фарзандларда ота-она, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш;
- болаларнинг қизиқиши, иқтидори ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш;
- уларни мустақил фикрлашга ўргатиш, истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;
- болаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш ва уларнинг қўшимча таълим олишларига шарт-шароит яратиш;
- болалар онгига санитария-гигиеник, экологик билим ва кўникмаларни сингдириш, диний ақидапарастлик, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши тарбиявий ишларни амалга ошириш.

Маҳалланинг вазифалари:

- таълим муассасалари билан биргаликда таълим-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни муҳокама қилишда қатнашиб, оқилона ечимлар топишда фаоллик кўрсатиш;
- фарзандлари тарбияси билан етарлича шуғулланмайдиган ота-оналарни маҳалла йиғинларида муҳокама қилиш, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш, лозим ҳолларда бундай ота-оналар билан тегишли профилактик тадбирларни белгилаш мақсадида маҳалла фаолларини бириктириш ёки қонун доирасида бошқа чоралар кўриш;
- ёшлар диний мазҳаблар ва секталар, ақидапарастликнинг салбий таъсирини тўғри англаб етишида уларга ота-оналар орқали таъсир

кўрсатиш, улуғ аждодларимизнинг тарбиявий ўғитларини сингдириб боришга кенг жамоатчиликни сафарбар қилиш;

- маҳалла ҳудудидаги нотинч оилаларни аниқлаш ва уларда содир этилиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларнинг олдини олиш.

Таълим муассасаларининг вазифалари:

- болаларга таълим беришда илғор педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация воситаларидан ўринли фойдаланишга шартшароит яратиш;

- ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбия олиш жараёнида турли хил чалғитувчи воситаларнинг зарари ва улар оқибатларининг олдини олиш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

- ҳозирги мураккаб шароитда ёш авлод онги ва шуурига таъсир этишга қаратилган маънавий таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш;

- таълим муассасаларида ёшларнинг бирорта касб-ҳунарни эгаллаши учун пойдевор яратиш;

- ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларни истиқлол ғоялари ва миллий мафкурага садоқат руҳида тарбиялаш;

- ўқувчи-ёшларнинг спорт турлари билан шуғулланишларига шартшароитлар яратиш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш. Оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкор лигида қуйидаги тамойиллар ва босқичларга амал қилинганда самарадорлик янада юқори бўлади:

- таълим ва тарбия жараёнида ҳамкорлик ҳаракатларининг иш бирлиги;

- тарбияланувчига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги;

- ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлиги ва юксак масъулиятлилиги;

- фаолият жараёнида миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги;

- ҳамкорлик ишларининг илмийлиги

Юқоридаги усулларнинг фаол қўлланиши, ота-оналар билан ўтказилган тарбиявий суҳбат лар ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақидаги билимлар, уларни замонавий ёшлар тарбияси муаммоларига жалб этиш, миллий тарбияни маҳалла, маҳалла оқсоқоллари кенгашлари фаолияти йўналишига айлантириш ва отаоналарнинг тарбиячилар сифатидаги фаолликларининг ошишига олиб келди. Бунинг натижасида ўқувчиларимизнинг маънавийахлоқий тарбиясида ҳеч қандай ёт ғояларга ўрин қолмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганларидек «...Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устивор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз». Шундан келиб чиққан ҳолда ватанимиз келажаги бўлган азиз фарзандларимизни маънан бой ахлоқан етук, интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш аввало ота-она, маҳалла, таълим муассасаси ва кенг жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир.[3]

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ», 1997. -31-б.
3. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи 2018й
4. Mamurova F. T., Abdullayeva N. K., Mallaboyev N. USING THE «ASSESSMENT» METHOD IN ASSESSING STUDENTS KNOWLEDGE //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 80-83.

5. Mamurova F. T., Abdullayeva N. K., Qahhorovna S. M. INNOVATIVE APPROACH AND MODERN TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 7. – С. 1061-1063.
6. Абдуллаева Н., Мамурова Ф. ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ //Экономика и социум. – 2018. – №. 4. – С. 931-935.
7. Mamurova F. T., Abdullaeva N. K. CHOOSE A SPECIAL STUDENT PSYCHOLOGICAL METHODS //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 3. – С. 525-529.
8. Abdullaeva N., Mamurova F., Mallaboev N. EFFICIENCY OF EXPERIMENTAL PREPARATION USE MULTIMEDIA TO ENLARGE SOME QUESTIONS //Экономика и социум. – 2020. – №. 6. – С. 11-13.